

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/29.10.2021.К.60.05 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МУМИНЖОНОВ МИРЖАЛОЛ МУҚИМЖОН ЎҒЛИ**

**ЎСИМЛИК ЧИҚИНДИЛАРИ АСОСИДА ЯНГИ БИОЛОГИК ФАОЛ  
ОЗИҚ-ОВҚАТ ҚЎШИЛМАЛАРИ ОЛИШ ВА УЛАРНИНГ КИМЁВИЙ  
ТАРКИБИ**

**02.00.09 - Товарлар кимёси  
14.00.41 - Халқ таботати**

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**

**Contents of the abstract of dissertation doctor of science**

**Мўминжонов Миржалол Муқимжон ўғли**

Ўсимлик чиқиндилари асосида янги биологик фаол озиқ-овқат  
кўшилмалари олиш ва уларнинг кимёвий таркиби..... 3

**Муминжонов Миржалол Муқимжон уғли**

Получение новых биологически активных добавок к пище на основе  
растительных отходов и их химический состав ..... 29

**Muminjonov Mirjalol Mukimjon ugli**

Obtaining new biologically active food supplements based on plant waste and  
their chemical composition ..... 54

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 58

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/29.10.2021.К.60.05 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МУМИНЖОНОВ МИРЖАЛОЛ МУҚИМЖОН ЎҒЛИ**

**ЎСИМЛИК ЧИҚИНДИЛАРИ АСОСИДА ЯНГИ БИОЛОГИК ФАОЛ  
ОЗИҚ-ОВҚАТ ҚЎШИЛМАЛАРИ ОЛИШ ВА УЛАРНИНГ КИМЁВИЙ  
ТАРКИБИ**

**02.00.09 - Товарлар кимёси  
14.00.41 - Халқ таботати**

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.DSc/K119 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.adu.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:** Асқаров Иброҳим Раҳмонович  
кимё фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** Каримкулов Курбонкул Мавлонкулович  
Техника фанлари доктори, профессор  
Хўжаев Ваҳобжон Умарович  
кимё фанлари доктори, профессор  
Шамшидинов Исроилжон Тургунович  
техника фанлари доктори, профессор

**Етақчи ташкилот:** Наманган давлат университети

Диссертация химояси Андижон давлат университети хузуридаги DSc.03/29.10.2021.K.60.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “18” III соат 9.00 даги мажлисида бўлиб ўтади.  
(Манзил: 170100 Андижон ш., Университет кўч. 129. Тел.: (99877)223 88 30, факс:(99874) 223 84

Диссертацияси билан Андижон давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 170100. Андижон ш., Университет кўч. 129. Тел.: (99877) 223 88 30, факс : (99874) 223 84 33) e-mail: [abshax@mail.ru](mailto:abshax@mail.ru) ).

Диссертация автореферати 2022 йил “ 5 ” III куни таркатилди.  
(2022 йил “ 5 ” III даги № 3 рақамли реестр баённомаси)



**Х.Исақов**  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
ранси, тех.ф.д.

**Ш.Х.Абдуллоев**  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
илмий котиб, к.ф.д.

**Ш.В.Абдуллаев**  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар  
ранси, к.ф.д., профессор

## **Кириш (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда ўсимлик чиқиндиларининг кимёвий таркибини аниқлаш, уларни қайта ишлаб инсон эҳтиёжи учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини олиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Бу борада ўсимлик чиқиндилари асосида синтетик дори воситаларининг ўрнини тўлдирадиган, таркибида вирусли касалликларни даволаш ва олдини олиш хусусиятига эга биологик фаол бирикмалар, макро- ва микроэлементлар сақлаган табиий, зарарсиз, экологик тоза озиқ-овқат қўшилмаларини ишлаб чиқиш ҳамда халқ табobatiда қўллаш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда вирусли гепатит С, гипотериоз ва эндемик буқоқ касалликларини даволашда синтетик дори воситалари ва табиий озиқ-овқат қўшилмалари ишлаб чиқиш, уларнинг кимёвий таркибини аниқлаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, вирусли касалликларга қарши курашадиган, ҳамда йод етишмовчилигини олдини оладиган инсон организми учун фойдали бўлган табиий кимёвий бирикмалар сақлаган ўсимлик чиқиндиларини аниқлаш, улар асосида вирусли гепатит С ва айрим қалқонсимон без касалликларини халқ табobati усуллари билан даволаш ва олдини олишда синтетик дори воситаларига ёрдам сифатида қўлланилувчи, таркибида алкалоид, флованоид, терпеноид каби табиий бирикмалар, ҳамда йод сақлаган табиий озиқ-овқат қўшилмаларини яратиш, ишлаб чиқариш, ТИФ ТН бўйича синфлаш, ҳамда амалиётга жорий этишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда инсон организмидаги айрим вирусли ҳамда йод етишмовчилиги билан боғлиқ касалликларни олдини олиш ва даволаш хусусиятига эга бўлган ўсимлик чиқиндилари асосида табиий озиқ-овқат қўшилмалари ишлаб чиқилиб, кимёвий таркиби асосида синфлаш борасида муайян натижаларга эришилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида<sup>1</sup> “озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари бозорларида таклифни ошириш ва мавсумий тақчилликларни бартараф этиш” бўйича амалга оширилиши муҳим бўлган вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, айрим ўсимлик чиқиндилари асосида таркибида гепатит С, ҳамда гипотериоз ва эндемик буқоқ касалликларини даволаш ва олдини олиш хусусиятини намоён қилувчи бирикмалар сақлаган, организм иммунитетини кўтарувчи, безарар, табиий озиқ-овқат қўшилмаларини яратиш, шунингдек уларнинг кимёвий таркиби, тузилиши, хоссаларини ўрганиш ҳамда ТИФ ТН бўйича товар кодларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 октябрдаги ПҚ-3968-сон «Ўзбекистон Республикасида халқ табobati соҳасини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони,

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январьдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 ноябрдаги ПФ-5229-сон “Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. “Кимё технологиялар ва нанотехнологиялар” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.**

Вирусли гепатит С, гипотериоз ва буқоқ касалликларини даволовчи воситалар ва уларнинг тадқиқотига йўналтирилган илмий изланишлар дунёнинг етакчи илмий марказларида ҳамда олий таълим муассасаларида, жумладан, Department of Chemistry, Tulane University (АҚШ), Department of Chemistry, McGill University (Канада), Technische Universität Chemnitz, Faculty of Natural Sciences, Institute of Chemistry (Германия), Departamento de Tecnología de los Alimentos, Universitat Politècnica de València (Испания), School of Chemical Sciences National Institute of Science Education and Research (Ҳиндистон), State Key Laboratory of Coordination Chemistry, Nanjing University (Хитой), Department of Chemistry, Faculty of Science, Taif University (Саудия Арабистони), Recep Tayyip Erdogan University (Туркия), Racah Institute of Physics, The Hebrew University (Исроил) да олиб борилмоқда.

Ўсимлик чиқиндиларининг кимёвий таркибини ўрганиш ва қайта ишлаш тадқиқотлари натижасида бир қатор натижалар олинган: жумладан, ўсимлик чиқиндилари асосида доривор бирикмалар олинган (Technische Universität Chemnitz, Faculty of Natural Sciences, Institute of Chemistry Германия); ўсимлик чиқиндилари таркибидаги макро- ва микроэлементларнинг миқдорини аниқлаш усуллари ишлаб чиқилган (Dipartimento di Chimica Industriale “Toso Montanari”, Università di Bologna, Италия); ўсимлик чиқиндилари асосида микроэлементларга бой табиий озик-овқат кўшилмалари олинган (Bialystok University of Technology, Faculty of Civil Engineering and Environmental Sciences, Department of Chemistry, Польша); таркибида йод сақлаган ўсимлик экстрактлари билан озик-овқат маҳсулотларини бойитиш технологияси яратилган (Department of Inorganic Chemistry, Faculty of Pharmacy, University of Medicine and Pharmacy, Руминя); Антивирус таъсирга эга бирикмаларни ўсимлик чиқиндиларидан ажратиб олиш усуллари ишлаб чиқилган (State Key Laboratory of Coordination Chemistry, Nanjing University (Хитой); айрим ўсимлик чиқиндилари таркибидаги бирикмаларнинг таркиби ва тузилиши аниқланган (Ўсимлик моддалар кимёси институти, Ўзбекистон).

<sup>2</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: <https://www.tu.edu.sa>; <https://english.snu.edu.cn/>; <https://pb.edu.pl/>; <https://www.upv.es>; <https://unibuc.ro>; <https://sse.tulane.edu/chem>; <https://ineos.ac.ru>; <https://www.tu-chemnitz.de>; <https://www.mcgill.ca/> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

Дунёда ўсимлик чиқиндилари асосида вирусли, ҳамда йод етишмовчилиги касалликларини даволаш ва олдини олиш хусусиятига эга табиий препаратлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалиётга жорий этиш бўйича қатор устивор йўналишларда илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда, жумладан, ўсимлик чиқиндилари таркибидан биологик фаол моддаларни ажратиб олиш; олинган бирикмаларнинг таркиби ва тузилишини физик-кимёвий методлар ёрдамида аниқлаш, уларнинг биологик фаоллиги ва физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш; ўсимлик чиқиндилари таркибидаги антивирус фаолликка эга бўлган флавоноидларни аниқлаш ва ажратиб олиш; озиқ-овқат маҳсулотларини таркибида йод сақлаган ўсимлик экстрактлари билан бойитиш; ўсимлик чиқиндилари концентратлари ва экстрактлари ёрдамида айрим вирусли касалликларни даволаш ва олдини олиш; ўсимлик чиқиндиларидан ажратиб олинган табиий йод моддаси асосида табиий озиқ-овқат қўшилмалари олиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўсимлик чиқиндилари таркибидаги биологик фаол моддалар ва уларнинг биокимёвий хусусиятлари устида кўплаб олимлар илмий тадқиқотлар олиб борганлар. Жумладан, сули (*Avena sativa*) нинг антиоксидант, терапевтик, антивирус, яллиғланишга қарши каби хусусиятларини Р.Синх, П. Бофетта Чанг Х., Нахае С., Ньюман, Варгач Ю.И., Гудкова Г.Н. Киселева Т.Л., Далачой (*Hypericum*) ўсимлигининг фитотерапевтик таъсирини ўрганишда Горьков В.А., Дробижев М.Ю., Азимова Ю.Э., Табеева Г.Р. жамбил ўсимлигининг фармакологик хусусиятларини ўрганишда Жиану С., Каземи М., Жировецц Л. каби бир қатор чет эл олимлари хисса қўшган бўлиб, улар томонидан ушбу табиий бирикмаларнинг жигар фаолияти, буйрак яллиғланиши, қандли диабет, микроб ва вирусларга, ҳамда рак хўжайраларига қарши таъсири каби бир қатор хусусиятлари аниқланган.

Ҳозирги кунда ўсимлик чиқиндилари асосида ишлаб чиқилган озиқ-овқат қўшилмалари тиббиёт амалиётида, жумладан, вирусли гепатит С касаллигини, шунингдек, йод етишмовчилиги билан боғлиқ қалқонсимон без касалликларини олдини олиш ва даволашда фойдаланилмаган, ҳамда бу борада илмий тадқиқотлар ўтказилмаган. Айрим озиқ-овқат қўшилмалари таркибидан табиий биологик фаол моддалар ажратиб олиш бўйича тадқиқотлар етарлича амалга оширилмаган, шунингдек, ўсимлик чиқиндилари асосида олинган озиқ-овқат қўшилмаларига кимёвий таркиби асосида ТИФ ТН бўйича товар кодлари ишлаб чиқилмаган.

Мазкур диссертация иши айрим ўсимлик чиқиндилари асосида тайёрланган озиқ-овқат қўшилмаларини вирусли гепатит С касаллигини, ҳамда йод етишмовчилигидан келиб чиқадиган гипотериоз ва эндемик буқоқ касалликларини олдини олиш ва даволашда фойдаланиш, улар таркибига кирувчи биологик фаол моддаларни ажратиб олиш, уларнинг таркиби ва тузилишини аниқлаш, ҳамда кимёвий таркиби асосида тегишли янги товар кодлари ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш каби муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Андижон давлат университетининг “Ўсимликлар асосида табиий биологик фаол озик-овқат қўшилмалари ишлаб чиқиш ва уларни синфлаш” илмий тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** айрим ўсимлик чиқиндилари асосида, таркибида вирусли гепатит С, гипотериоз ва эндемик буқоқ касаллигини даволаш ва олдини олиш хусусиятига эга биологик фаол кимёвий бирикмалар сақлаган табиий озик-овқат қўшилмаларини яратиш ҳамда уларни кимёвий таркиби ва тузилишини аниқлаш асосида ТИФ ТН бўйича тегишли код рақамларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

айрим маҳаллий ўсимликлар чиқиндиларининг кимёвий таркибини сифат ва миқдор бўйича аниқлаш;

таркибида аментофлавон, карвакрол, кверцитрин, авенацин каби табиий биологик фаол моддалар, кўп миқдорда йод сақлаган ўсимлик чиқиндилари асосида янги озик-овқат қўшилмалари ишлаб чиқиш;

“Асдаво” ва “Алкаман” озик-овқат қўшилмалари таркибидаги айрим биологик фаол моддаларнинг таркиби ва тузилишини аниқлаш;

“Асдаво” ва “Алкаман” озик-овқат қўшилмалари ҳамда улардан ажратиб олинган аментофлавон, карвакрол, кверцитрин, авенацин каби биологик фаол бирикмаларнинг антиоксидант, антивирус таъсири ҳамда биологик фаоллигини аниқлаш;

“Асдаво” ва “Алкаман” озик-овқат қўшилмаларини Республика Санитария эпидемиологик осойишталик нозорат марказида лаборатория синовларидан ўтказиш, гигиеник ва мувофиқлик сертификатини олиш;

“Асдаво” ва “Алкаман” озик-овқат қўшилмаларига кимёвий таркиби асосида ТИФ ТН бўйича халқаро товар кодлари ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш учун тавсия этиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида “Асдаво” ва “Алкаман” озик-овқат қўшилмалари, аментофлавон, карвакрол, кверцитрин, авенацин моддалари, гепатит С (ВГС), ҳамда гипотериоз ва эндемик буқоқ билан касалланган беъморлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** “Асдаво” ва “Алкаман” озик-овқат қўшилмаларини гепатит С, гипотериоз ва эндемик буқоқ касалликларига таъсири ва уларнинг таркибига кирувчи биологик фаол бирикмаларни ажратиб олиш, уларнинг тузилишини физик кимёвий усулларда аниқлаш ва кимёвий таркиби асосида тегишли синфларга ажратишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишини бажаришда ИҚ-спектроскопия ва масс-спектрометрия, элемент анализи, спектрофотометрия, потенциометрия, йодометрия ҳамда биологик фаолликни аниқлаш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:



вирусли гепатит С, гипотериоз ва эндемик буқоқ касалликларини самарали даволаш ва олдини олиш хусусиятига эга бўлган янги озиқ-овқат қўшилмалари ишлаб чиқилган;

озиқ-овқат қўшилмалари таркибидан ажратиб олинган аментофлавон, карвакрол, кверцитрин, авенацин моддаларининг таркиби ва тузилиши аниқланган;

“Асдаво” ва “Алкаман” озиқ-овқат қўшилмаларининг антиоксидантлик фаоллиги аниқланганда “Алкаман” озиқ-овқат қўшилмасининг антиоксидантлик фаоллиги бошқаларга нисбатан юқори эканлиги исботланган;

“Асдаво” ва “Алкаман” озиқ-овқат қўшилмалари таркибида гепатит С вирусига қарши фаол бўлган аментофлавон, карвакрол, кверцитрин, авенацин бирикмалари, ҳамда кўп микдорда йод моддаси борлиги аниқланган;

“Асдаво” ва “Алкаман” табиий янги озиқ-овқат қўшилмаларига кимёвий таркиби асосида ТИФ ТН бўйича товар кодлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

айрим ўсимлик чиқиндилари таркибидан антивирус фаолликка эга бўлган бирикмаларни ва йод моддасини аниқлаш асосида “Асдаво” ва “Алкаман” озиқ-овқат қўшилмалари ишлаб чиқилган.

янги озиқ-овқат қўшилмаларининг кимёвий таркиби асосида норматив ҳужжатлар: рецепт, ташкилот стандарти TS23424257-01:2020, техник инструкция ТИ23424257-01:2020 ишлаб чиқилган;

“Асдаво” ва “Алкаман” озиқ-овқат қўшилмалари таркибидаги биологик фаол бирикмаларни аниқлаш асосида антивирус фаолликка эга бўлган, ҳамда таркибида йод элементи сақлаган табиий озиқ-овқат қўшилмаларига ТИФ ТН бўйича янги халқаро товар код рақамлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** озиқ-овқат қўшилмаларидан ажратиб олинган бирикмаларнинг таркиби ва тузилиши ИҚ-спектроскопик, масс-спектрометрия, квант-кимёвий усуллар ёрдамида аниқланганлиги, уларнинг биологик фаолликлари, илмий тадқиқот ишлари натижалари математик-статистик таҳлил қилинганлиги, олинган натижаларнинг илмий нашрларда эълон қилинганлиги, амалий натижаларнинг ваколатли давлат органлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти “Асдаво” ва “Алкаман” озиқ-овқат қўшилмаларининг таркибига кирувчи биологик фаол моддаларни ажратиб олиш усулларининг такомиллаштирилганлиги, ҳамда уларнинг кимёвий таркиби ва тузилишини замонавий физик-кимёвий тадқиқот усуллари ёрдамида аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўсимлик чиқиндилари асосида “Асдаво” ва “Алкаман” табиий озиқ-овқат қўшилмалари ишлаб чиқилганлиги, уларнинг гепатит С, ҳамда гипотериоз ва эндемик буқоқ

касалликларини даволаш хусусияти бўйича тиббиёт амалиётига тавсия этилганлиги ва кимёвий таркиби асосида ТИФ ТН бўйича янги товар кодлари ишлаб чиқилиб, давлат божхона амалиётида фойдаланишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўсимлик чиқиндилари асосида биологик фаол озик-овқат қўшилмалари ишлаб чиқиш, улардан ажратиб олинган бирикмаларнинг кимёвий таркиби ва тузилиши асосида синфлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

“Асдаво” ва “Алкаман” янги озик-овқат қўшилмаларини ишлаб чиқариш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан рухсатнома олинган (№000840, 2021 й.). Натижада, табиий биологик фаол озик-овқат қўшилмаларини ишлаб чиқариш имконини берган.

“Асдаво” ва “Алкаман” озик-овқат қўшилмаларини “Олтин Водий табиати” МЧЖ да ялпи маҳсулот сифатида ишлаб чиқариш учун Ўзбекистон Республикаси Миллий Сертификатлаш тизими томонидан мувофиқлик сертификати олинган (№UZ.SMT.01.378.70229385, 2021 й.; Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 3 сентябрдаги 06.8/1244-сон хати, 2021 йил 9 сентябрдаги 362427-сон хулосаси). Натижада, мазкур озик-овқат қўшилмаларини талаб даражасида идентификациялаш имконини берган.

“Асдаво” ва “Алкаман” озик-овқат қўшилмаларига ТИФ ТН бўйича “қовун уруғи ҳамда пўсти, сули кепаги, далачой ва жамбил илдири асосида тайёрланган табиий озик-овқат қўшилмалари” учун – 1212300003, “ёнғоқ меваси чиқиндилари асосида тайёрланган, айрим доривор ўсимлик қисмлари билан бойитилган табиий озик-овқат қўшилмалари” учун – 1212300004 код рақамлари божхона амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2022 йил 22 январьдаги 02-16/-0026-сон маълумотномаси). Натижада, шу каби озик-овқат қўшилмаларини экспорт ва импорт қилишда улардан ундириладиган бож тўловларини назорат қилиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та, жумладан 4 та халқаро ва 1 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фан доктори (DSc) диссертацияларининг илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 18 та мақола Республика ва 6 та мақола Халқаро журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 150 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг **“Ўсимлик чиқиндилари ва айрим синтетик дори воситаларининг кимёвий таркиби (адабиётлар шархи)”** деб номланган биринчи бобида даладой, жамбил, сули, қовун, тарвуз, ёнғоқ каби ўсимликлар чиқиндиларининг кимёвий таркиби ва шифобахш хусусиятлари, шунингдек, гепатит С, гипотериоз, эндемик буқоқ касалликларини даволашда қўлланиладиган айрим синтетик дори воситаларининг кимёвий таркиби, фойдали ва зарарли хусусиятлари, улар устида олиб борилган илмий тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили ёритиб берилган. Шу билан бирга, Товарлар кимёси фани бўйича илмий тадқиқот олиб борган олимлар томонидан тақлиф этилган халқаро код рақамлари, ўсимликлар асосида яратилган табиий озик-овқат қўшилмаларини ТИФ ТН бўйича синфлаш муаммолари атрофлича ўрганилганлиги тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Айрим ўсимлик чиқиндилари асосида тайёрланган озик-овқат қўшилмаларининг кимёвий таркиби ва хоссаларини тадқиқ этиш (олинган натижалар муҳокамаси)”** деб номланган иккинчи бобида “Асдаво” озик-овқат қўшилмаси таркибидан ажратиб олинган аментофлавон, карвакрол, кверцитрин, авенацин бирикмаларининг таркиби ва тузилишини ўрганиш мақсадида ўтказилган ИҚ-спектроскопик, квант-кимёвий ва масс-спектрометрик анализ натижалари таҳлил қилинган. “Асдаво” ва “Алкаман” озик-овқат қўшилмаларининг ҳозирги кундаги стандарт бирикмаларга нисбатан антиоксидант фаоллигини, улар таркибидаги оғир металлар миқдорини ўрганиш натижалари, шу билан бирга “Алкаман” озик-овқат қўшилмаси таркибидаги йод миқдорини потенциометрик ва йодометрик титрлаш усуллари билан аниқлаш тадқиқоти натижалари муҳокама қилинган. Шунингдек, “Асдаво” ва “Алкаман” озик-овқат қўшилмаларини илмий асосланган ҳолда ТИФ ТН бўйича синфлаш борасида эришилган натижалар баён этилган.


**“Асдаво” озик-овқат қўшилмасидан ажратиб олинган айрим бирикмаларнинг кимёвий таркиби ва тузилишини ўрганиш.** Аментофлавон бифлавоноид (8 ва 3` ёки 3`, 8`` позицияларида боғланган бис-апигенин-биапигенин) яна бир номи ((4',5,7-тригидроксифлавон)-(3'→8)-(4',5,7- тригидроксифлавон) қатор ўсимликларда, жумладан Гинко билоба, Ҳиноки, Авлиё Иоанн ўти каби ўсимликларда мавжуд. Аментофлавон *in*

*in vitro* шароитда турли хил вирусли касалликлар, жумладан, безгак вируси, саратон вирусига қарши фаоллик намоён қилган. Унинг моляр массаси 538,464 г/мольга тенг.

Ажратиб олинган аментофлавооннинг тузилишини ўрганиш мақсадида, Agilent technology Cary 630 ИК русумли спектрометрда унинг ИҚ спектрлари олинди. Олинган экспериментал натижалар назарий квант-кимёвий ҳисоблаш натижалари билан қиёсий таққослаб таҳлил қилинди.




1-расм. Аментофлавоон.



2-расм. Аментофлавооннинг ўлчанган ИҚ-спектри.


Карвакрол – фенол монотерпенидлари синфига мансуб органик бирикма. Моляр массаси 150,22 г/моль, 236-237 °С температурада қайнайди. Орегано (орегано), кекик, монарда ва ёввойи бергамотнинг эфир мойида мавжуд. Кекик ва монарда эфир мойларида 5% дан 75% гача, жамбил мойида эса 45% гача. Рангсиз, ёғли суюқлик, ореганонинг ўзига хос ўткир ҳидига эга.



3-расм. Карвакрол

Ажратиб олинган карвакролнинг ҳам тузилишини ўрганиш мақсадида ИҚ-спектроскопик метод ёрдамида таҳлил қилинди. Бунда унинг ИҚ-спектри

юқорида кўрсатилган асбоб ёрдамида ўлчанди. Олинган экспериментал натижалар назарий квант-кимёвий ҳисоблаш натижалари билан қиёсий таққослаб таҳлил қилинди.



4-расм. Карвакролнинг ўлчанган ИК-спектри.

Ажратиб олинган аментофлавон ва карвакролнинг тузилишини қиёсий таҳлил қилиш орқали аниқлаш мақсадида, мазкур бирикмалар молекуляр структурасининг тебраниш (ИК) спектрлари Gaussian 98 квант-кимёвий ҳисоблаш дастурининг DFT/B3LYP методи 3-21G базисида оптималлаштирилган ҳолда ҳисобланди. Бирикмаларнинг экспериментал йўл билан аниқланган ва дастур ёрдамида назарий ҳисобланган тебраниш спектрлари қиёсий таҳлил қилинди. Қиёсий таҳлил натижалари қуйидаги жадвалда келтирилган.

1-жадвал.

Аментофлавон ва карвакролнинг квант кимёвий ҳисобланган ва экспериментал аниқланган ИК-спектроскопик анализлари натижалари

Тебраниш тури	Аментафлавон		Тебраниш тури	Карвакрол	
	Ҳисобланган, см <sup>-1</sup>	Аниқланган, см <sup>-1</sup>		Ҳисобланган, см <sup>-1</sup>	Аниқланган, см <sup>-1</sup>
$\delta_{s(OH)}(Ar)$ 1-ҳалқада	825	810	$\pi_{(CCC)(Ar)}$	800	797
$\pi_{(CH)(Ar)}$ 3-ҳалқада	975	993	$\pi_{(CCC)}$ ён занжир	892	895
$\tau_{(CH)}$ 1-2 ҳалқада	1120	1115	$\delta_{s(CCC)(Ar)}$	910	913
$\nu_{as(CC)}$ 3-4 ҳалқалар орасида	1170	1174	$\pi_{(CH)(Ar)}$	961	956
$\delta_{as(CO)}$ 2-ҳалқада	1255	1250	$\delta_{s(CCC)(Ar)}$	1010	1016
$\nu_{as(CCC)(Ar)}$ 3-6-ҳалқада	1474	1419	$\nu_{as(CO)(Ar)}$	1048	1051
$\nu_{s(CO)}$ 2,5-ҳалқада	1590	1589	$\delta_{s(Ar-OH)}$	1142	1147

$v_{s(C-C)(Ar)}$ 4-халқадаги	2871	2867	$r_{(CH)(Ar)}$	1230	1235
$v_{s(C-C)(Ar)}$ 2,5 халқадаги	2950	2958	$v_{as(CCC)(Ar)}$	1370	1375
$v_{s(OH)}$	3380	3382	$v_{(CH)(Ar)}$	1441	1435
			$v_{as(CCC)(Ar)}$	1639	1644
			$v_{s(C=C)}$	2830	2834
			$v_{s(OH)}$	2950	2964


Аментофлавон ва карвакролнинг экспериментал йўл билан аниқланган ва ҳисобланган ИҚ-спектрларидаги ютилиш чўққилари мос равишда бир бирига жуда яқин эканлиги юқоридаги жадвалдан кўриниб турибди. Айниқса, экспериментал йўл билан олинган ИҚ-спектрда аментофлавон молекуласидаги шартли 1- ва 2- халқалардаги С-Н боғининг, 3-4-6- ва 2-5-халқаларидаги С-С-С боғларининг деформацион ( $\tau_{(CH)}$ ) ҳамда валент ( $v_{as(CCC)}$ ) тебранишларининг назарий ҳисобланган ютилиш чўққиларига мос равишда яқинлиги, аментофлавон молекуласида 6 та халқа мавжуд эканлигини билдиради. Шунингдек, 2 ва 5 халқалардаги С=О боғининг деформацион тебранишига ( $\delta_{as(CO)}$ ) ҳос бўлган ютилиш чўққиларининг ҳисобланган натижалар билан мос эканлиги, аниқланаётган молекуланинг 2, 5 халқаларида карбонил гуруҳи борлигидан далолат беради. Қолаверса, аниқланган ИҚ-спектрда молекуладаги О-Н боғларининг валент ( $v_{s(OH)}$ ) тебранишларига ҳос бўлган ютилиш соҳасининг кенглиги ( $3382 \text{ см}^{-1}$ ) ва ҳисобланган ютилиш чўққиларига мослиги молекулалараро водород боғланиш мавжуд эканлигини англатади.

Шу билан бирга, карвакролнинг экспериментал йўл билан аниқланган ИҚ-спектридаги бензол халқасидаги С-С ( $\pi_{(CCC)(Ar)}$ ,  $v_{as(CCC)(Ar)}$ ), С-Н ( $r_{(CH)(Ar)}$ ,  $v_{(CH)(Ar)}$ ), С-О ( $\delta_{s(Ar-OH)}$ ,  $v_{as(CO)(Ar)}$ ) боғларининг деформацион ва валент тебранишларига ҳол бўлган ютилиш чўққиларининг назарий ҳисобланган натижаларга жуда яқин эканлиги тадқиқ этилаётган бирикманинг тузилиши юқоридаги расмдаги молекуланинг тузилишига мос келади. Шунингдек, аниқланган спектрда  $895 \text{ см}^{-1}$ ,  $2950 \text{ см}^{-1}$  соҳаларда ютилиш чўққиларининг мавжудлиги ва ҳисоблангандагига мослиги, мос равишда, ён занжирдаги С-С боғларининг деформацион ( $\pi_{(CCC)}$ ) тебраниши, ҳамда О-Н боғининг валент ( $v_{s(OH)}$ ) тебранишлари мавжудлигини англатади. Бу эса, молекулада тўйинмаган очик шаклдаги углеводород ён занжири ва –ОН гуруҳ борлигидан далолат беради.

Хулоса қилиб айтганда, аментофлавон ва карвакролнинг экспериментал йўл билан аниқланган ИҚ-спектридаги ютилиш чўққилари, назарий квант-кимёвий ҳисобланган ютилиш чўққиларига мос келади. Бу эса, аниқланаётган бирикмаларнинг тузилиши юқорида келтирилган аментофлавон ва карвакролнинг структур формулаларига мос эканлигига далил бўлади.

“Асдаво” озик-овқат кўшилмаси таркибидан кверцитрин ва авенацин биркмалари ҳам ажратиб олинган бўлиб, уларнинг тузилишини ўрганиш


мақсадида юқоридаги назарий ва экспериментал ИҚ-спектроскопик анализ методидан фойдаланилди. Кверцитрин (Quercitrine) – 2- (3,4-дигидроксифенил) -5, 7-дигидрокси-3- [[(2S, 3R, 4R, 5R, 6S) - 3,4,5-тригидрокси-6-метил-2-тетрагидропиранил] окси] -4-хроменон ( $C_{21}H_{20}O_{11}$ ) бўлиб, мольяр массаси 448,38 г / моль га тенг, қайнаш температураси 310-320°C қизғиш-сарик кристалл модда ҳисобланади. Кверцитриннинг кимёвий формуласи бўлиб, структура кўриниши қуйида келтирилган:



5-расм. Кверцитрин

Кверцитрин антиоксидант, антиканцероген хусусиятган эга бўлиб, яллиғланишга, диабетга ва микробларга қарши жуда кенг спектрлик биологик таъсирга эга. Кверцитрин ўсимликларда кўп ҳолатларда гликозид шаклида учрайди.


Ажратиб олинган кверцитриннинг ҳам тузилишини ўрганиш мақсадида ИҚ-спектроскопик метод ёрдамида таҳлил қилинди. Олинган экспериментал натижалар назарий квант-кимёвий ҳисоблаш натижалари билан қиёсий таққослаб таҳлил қилинди.




6-расм. Кверцитриннинг ўлчанган ИҚ-спектри.

Шу билан бирга, сули чиқиндилари таркибида мазжуд бўлган авенацин антибиотиғи ҳам озиқ-овқат қўшилмаси таркибидан ажратиб олиниб, унинг ҳам тузилиши ИҚ-спектроскопик метод ёрдамида аниқланди.

Авенацин  $C_{55}H_{83}NO_{21}$  молекуляр формулага мос келади. Унинг мольяр массаси 1094,2 г/мольга тенг. Авенациннинг қайнаш температураси 228-233°C, спиртлардан метанол ва этанолда яхши эрийди, юқори молекуляр спиртларда, сувда, диэтилэфирда, хлороформда қийин эрийди. Унинг Gaussian 98 квант-кимёвий ҳисоблаш дастури ёрдамида оптималлаштирилган структураси қуйида келтирилган (7-расм).



7-расм. Авенациннинг оптималлаштирилган молекуляр структураси.



8-расм. Авенациннинг ўлчанган ИК-спектри

Кверцитрин ва авенациннинг ҳам таркиби ва тузилишини қиёсий таҳлил қилиш йўли билан аниқлаш мақсадида мазкур бирикмаларнинг молекуляр структурасининг тебраниш спектрлари юқорида келтирилган Gaussian 98 квант-кимёвий ҳисоблаш дастури ёрдамида ҳисобланди. Бунда ҳам мазкур дастурнинг DFT/B3LYP методи 3-21G базисидан фойдаланилди. ИҚ-спектр спектроскопик таҳлил натижаларини интерпретация қилишни қулайлаштириш мақсадида авенацин ва кверцитрин молекулаларидаги ҳалқалар шартли равишда рақамланди. Натижалар қуйидаги жадвалда келтирилган.

2-жадвал.

Кверцитрин ва авенациннинг квант кимёвий ҳисобланган ва экспериментал аниқланган ИК-спектроскопик анализлари натижалари

Тебраниш тури	Кверцитрин		Тебраниш тури	Авенацин	
	Ҳисобланган, см <sup>-1</sup>	Аниқланган, см <sup>-1</sup>		Ҳисобланган, см <sup>-1</sup>	Аниқланган, см <sup>-1</sup>
$\pi_{(CCC)(Ar)}$ 1-халқада	675	678	$\delta_{s(COO)}$ 8-9 халқалар орасидаги	655	652



$\pi_{(CCC)(\text{пиран})4}$ - ҳалқада	711	715	$\pi_{(CH)(Ar)9}$ - ҳалқада	871	875
$\delta_{s(CCC)(Ar)3}$ - ҳалқада	789	784	$\tau_{(CH)(\text{циклогексан})}$ 4-5 ҳалқада	1048	1043
$\pi_{(CH)(Ar)3}$ - ҳалқада	939	942	$\nu_{as(CC)2}$ - ҳалқада	1090	1084
$\tau_{(CH)4}$ -ҳалқада	993	998	$\delta_{as(CH)(\text{циклогексан})}$ 6-ҳалқада	1320	1323
$\nu_{as(CO)2}$ - ҳалқада	1080	1078	$\nu_{as(CCC)(Ar)9}$ - ҳалқада	1388	1382
$\nu_{as(CO)4}$ - ҳалқада	1140	1142	$\nu_{s(COC)2-3}$ ҳалқалар орасида	1650	1640
$\nu_{s(CH)(Ar)1}$ - ҳалқада	1365	1360	$\nu_{s(C-N)(Ar)9}$ - ҳалқадаги	2970	2978
$\nu_{as(CCC)(Ar)3}$ - ҳалқада	1376	1379	$\nu_{s(OH)}$	3251	3350
$\nu_{as(CH)(\text{пиран})4}$ - ҳалқада	1440	1437			
$\nu_{as(CCC)4}$ - ҳалқада	1505	1511			
$\nu_{as(CCC)(Ar)1}$ - ҳалқада	1602	1609			
$\nu_{s(CO)(\text{пиран})4}$ - ҳалқада	1645	1642			
$\nu_{s(C-O-C)2,4}$ ҳалқалар орасида	1737	1735			
$\nu_{s(OH)}$	2970, 2981, 3100	2923, 2955, 2972,			


Кверцитрин ва авенациннинг назарий квант-кимёвий ҳисобланган ва экспериментал йўл билан аниқланган ИҚ-спектрларидаги ютилиш чўққилари мос равишда бир бирига жуда яқин эканлиги юқоридаги жадвалдан кўриниб турибди. Айниқса, кверцитрин молекуласидаги экспериментал йўл билан олинган ИҚ-спектрда шартли 1-, 2-, 3- ва 4- ҳалқалардаги С-С боғларининг, ва 3-4-ҳалқаларидаги С-Н боғларининг деформацион ( $\pi_{(CCC)}$ ,  $\delta_{s(CCC)}$ ,  $\pi_{(CH)(Ar)}$ ,  $\tau_{(CH)}$ ) тебранишлари, 2- ва 4-ҳалқадаги С-О-С боғларининг, 1-,2-, 3-, 4-ҳалқадаги С-С-С боғларининг валент ( $\nu_{as}$ ) тебранишларига ҳос бўлган ютилиш чўққилари, мос равишда, назарий ҳисобланган ютилиш чўққиларига жуда яқинлиги кўринди. Айниқса, назарий ҳисобланган ютилиш чўққилари қаторида 2- ва 4-ҳалқа орасидаги С-О-С боғининг валент ( $\nu_s$ ) тебранишига ҳос бўлган юқори интенсивликдаги ютилиш чўққилари, экспериментал йўл билан олинган ИҚ-спектрда ҳам мавжуд эканлиги (мос равишда 1737-1735  $\text{см}^{-1}$ ), ҳамда ҳисоблаш натижаларига яқин эканлиги аниқланди. Қолаверса, ҳисобланган натижаларда кузатилган кверцитрин молекуласидаги О-Н боғининг валент ( $\nu_s$ ) тебранишига ҳос бўлган бир нечта ютилиш чўққиларининг, экспериментал аниқланган ИҚ-спектрдаги мазкур

чўққиларга яқин эканлиги ўрганилаётган молекула кверцитринга тегишли эканлигини билдиради. Бу эса, тадқиқ этилаётган кверцитрин молекуласининг индивидуал эканлигини ва юқорида келтирилган 2.5-расмдаги молекуляр структурага мос эканлигини билдиради. Шу ҳам таъкидлаш жоизки, экспериментал аниқланган ИҚ-спектрда 2900-3100  $\text{см}^{-1}$  соҳада кенг ютилиш соҳаси мавжудлиги молекулалараро водород боғланиш мавжуд эканлигидан далолат беради.

Шунингдек, авенацин молекуласининг назарий ҳисобланган ИҚ-спектридаги 8-9-ҳалқалар орасидаги карбоксил ( $-\text{COO}$ , 650  $\text{см}^{-1}$ ) гуруҳ боғининг, 4-, 5-, 6-, 9-ҳалқалардаги С-Н боғининг (мос равишда 1048, 1320, 871  $\text{см}^{-1}$ ) деформацион ( $\tau_{(\text{CH})}$ ,  $\delta_{\text{as}(\text{CH})}$ ,  $\pi_{(\text{CH})}$ ) тебранишларига ҳос бўлган ютилиш чўққилари, экспериментал йўл билан аниқланган мазкур (1043, 1323, 875  $\text{см}^{-1}$ ) ютилиш чўққиларига жуда яқин эканлигини юқоридаги жадвалдан кўриш мумкин. Шунингдек, экспериментал аниқланган 2-, 9-ҳалқалардаги С-С боғларининг валент ( $\nu_{\text{as}(\text{CCC})}$ ) тебранишларига ҳос ютилиш чўққилари (1084, 1382  $\text{см}^{-1}$ ), назарий ҳисобланган мазкур боғларга ҳос чўққиларга (1090, 1388  $\text{см}^{-1}$ ) яқин эканлиги кўринмоқда. Айниқса, экспериментал аниқланган ИҚ-спектрда 2-3-ҳалқалар орасидаги С-О-С боғининг, ҳамда 9-ҳалқадаги С-Н боғининг валент ( $\nu_s$ ) тебранишига ҳос бўлган ютилиш соҳадаги интенсивлиги юқори бўлган ютилиш чўққиларининг (1640, 2978  $\text{см}^{-1}$ ) ҳисобланган натижалардаги мазкур ютилиш чўққилари қийматларига (1650, 2970  $\text{см}^{-1}$ ) яқин эканлиги тадқиқ қилинаётган молекуланинг авенацинга тегишли эканлигини англатади. Шу билан бирга экспериментал аниқланган ИҚ-спектрда 3350  $\text{см}^{-1}$  соҳадаги кенг ютилиш чўққиси мавжуд эканлиги, унинг ҳисобланган натижадаги ютилиш чўққисига яқинлиги молекулада О-Н боғи, ҳамда молекулалараро водород боғланиш мавжуд эканлигидан далолат беради.


Хулоса қилиб айтганда, кверцетрин ва авенациннинг экспериментал йўл билан аниқланган ИҚ-спектридаги ютилиш чўққилари, мос равишда, назарий квант-кимёвий ҳисобланган ютилиш чўққиларига жуда яқин келди. Бу эса, аниқланаётган бирикмаларнинг тузилиши юқорида келтирилган кверцетрин ва авенациннинг структур формулаларига мос эканлигини исботлайди.

Ўтказилган ИҚ-спектроскопик таҳлил натижаларининг тўғри эканлигини текшириш мақсадида, карвакрол, кверцетрин ва авенацин молекуласининг масс-спектрометрик таҳлили амалга оширилди. Мазкур бирикмаларнинг масс-спектрлари “Perkin Elmer” фирмасининг “AxION 2 TOF” русумли масс-спектрометри ёрдамида ўлчанди.




10-расм. Карвакролнинг ўлчанган масс-спектри.

Юқоридаги масс-спектрдаги интенсивлиги юқори чўққи (149,03 m/z) карвакролнинг молекуляр ионига тегишли эканлиги кўриниб турибди. Бу эса, тадқиқ этилаётган бирикма карвакролнинг молекуляр формуласига мос эканлигидан далolat беради. Ушбу масс-спектр орқали карвакролнинг фрагментланиш схемасини қуйидагича тузиш мумкин.



11-расм. Карвакролнинг фрагментланиш схемаси.


Шунингдек, юқорида келтирилган “AxION 2 TOF” русумли масс-спектрометри ёрдамида ўлчанган кверцитриннинг масс-спектри атрофлича ўрганилди ва адабий маълумотлар билан таққосланди.



12-расм. Кверцитриннинг ўлчанган масс-спектри.


Юқоридаги кверцитриннинг масс-спектридаги интенсивлиги энг юқори бўлган чўққи (303,11) кверцитрин молекуласидан пиридин ҳалқаси ажралиб чиқишидан ҳосил бўлган кверцитрин қолдиғи молекуляр ионига тегишли эканлиги кўриниб турибди.

Адабиётлардаги кверцитриннинг мас-спектрида (13-расм) ҳам энг юқори интенсивликдаги чўққи айнан кверцитрин қолдиғига тегишли эканлиги келтирилган. Бундан, тадқиқ қилинаётган молекула кверцитринга тегишли, ҳамда ўтказилган ИҚ-спектроскопик тадқиқотлар натижалари тўғри деб хулоса қилиш мумкин.



13-расм. Кверцитриннинг стандарт масс-спектри.

Авенациннинг ҳам масс-спектроскопик усулда аниқланган масс-спектри адабий маълумотлардан фйдаланган ҳолда ўрганилди. Бунда авенациннинг экспериментал йўл билан ўлчанган масс-спектри (14-расм) унинг стандарт масс-спектри билан қиёсий таҳлил қилинди. Қиёсий таққослаш натижалари қуйидаги 3-жадвалда келтирилган.



14-расм. Авенациннинг ўлчанган масс-спектри

3-жадвал

Авенациннинг масс-спектрометрик таҳлили натижалари

№	Молекуляр-ион	Экспериментал ўлчанган		Стандарт	
		Молекуляр-ион массаси, m/z	Нисбий интенсивлик %	Молекуляр-ион массаси, m/z	Нисбий интенсивлик %
1.	C <sub>35</sub> H <sub>54</sub> O <sub>9</sub> <sup>+</sup>	617,64	11758.23	617.7	11622.4
2.	C <sub>38</sub> H <sub>50</sub> O <sub>5</sub> N <sup>+</sup>	601,65	11423.25	601.9	11221.6
3.	C <sub>36</sub> H <sub>50</sub> O <sub>5</sub> N <sup>+</sup>	575,6	8578.6	575.9	8398.1
4.	C <sub>10</sub> H <sub>16</sub> O <sub>9</sub> <sup>+</sup>	281,31	3024.13	281.2	3024.7
5.	C <sub>11</sub> H <sub>19</sub> O <sub>10</sub> <sup>+</sup>	311.307	578.64	312.7	577.8

Юқоридаги жадвалдан кўришиб турибдики, авенациннинг экспериментал йўл билан олинган масс-спектридаги молекуляр-ионларга ҳос чўққилар (m/z), унинг стандарт масс-спектридаги чўққиларга мос келади. Бу натижа авенацин тузилишини ўрганиш бўйича ўтказилган ИҚ-спектроскопик анализ натижаларини тасдиқлайди.

Ўтказилган тадқиқот натижалари ажратиб олинган аментофлавон, карвакрол, кверцитрин ва авенацин бирикмаларининг экспериментал йўл билан аниқланган ва квант-кимёвий ҳисоблаш методи ёрдамида ҳисоблаб топилган ИҚ-спектрларидаги ютилиш соҳаларининг бир-бирига жуда яқинлигини кўрсатди. Шунингдек, олинган ИҚ-спектр маълумотларининг тўғрилиги масс-спектрометрия таҳлили натижалари билан ҳам тасдиқланди. Бу эса, ажратиб олинган моддаларнинг юқорида келтирилган молекуляр структураларига тўла мос келади деб ҳулоса қилишга далил бўлади.

**“Асдаво” ва “Алкаман” озик-овқат кўшилмаларининг антиоксидант хусусиятларини аниқлаш.** Биз томонимиздан адабиётларда қўлланган методлардан фарқли равишда “Алкаман” ва “Асдаво” озик-овқат кўшилмаларининг спиртли ва сувли экстрактларининг антиоксидантлик фаолликларини спектрофотометрик таҳлил усулида Cary 60 UV-Vis Agilet Technologies спектрофотометри ёрдамида ўрганилди. Бунда, “Асдаво” озик-овқат кўшилмасининг 1:10, 1:20, 1:30, 1:40, 1:50 масса нисбатда олинган сувли (қайноқ сув) экстрактлари олинди. “Алкаман” ўзи ёнғоқ ички пардасининг 30% ли спирт ёрдамида олинган экстрактидир. Мақбулини танлаш мақсадида ёнғоқнинг ички пардасини 10%, 20%, 30%, 40%, 50% ли спиртли экстрактларини тайёрланди ва уларнинг антиоксидант фаоллиги ўрганилди. Текширилувчи намуналарнинг антиоксидант фаоллигини қиёсий таҳлил қилиш мақсадида стандарт намуна сифатида антиоксидантлик хоссаларини намоён қилувчи фармацевтика ва тиббиётда ишлатиладиган гликлазид  $C_{15}H_{21}N_3O_3S$ , ҳамда озик-овқат саноатида биологик фаол кўшимча сифатида қўлланиладиган кверцетин  $C_{15}H_{10}O_7$  моддаларининг турли хил концентрацияли эритмаларидан фойдаланилди. Аниқланган ҳисоблашлар натижалари 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

Асдаво ва Алкаман озик-овқат кўшилмаларининг антиоксидант фаоллиги(АА%) кўрсаткичлари

№	Таҳлил қилинувчи эритмалар	Назорат (D <sub>1</sub> )	Таҷриба (D <sub>2</sub> )	АА%
Асдаво				
1	Асдаво – 1:10	0,05	0,0056	<b>88,8</b>
2	Асдаво – 1:20	0,05	0,005	<b>90,0</b>
3	Асдаво – 1:30	0,05	0,0043	<b>91,4</b>
4	Асдаво – 1:40	0,05	0,0036	<b>92,8</b>
5	Асдаво – 1:50	0,05	0,003	<b>94,0</b>
Алкаман				
1	Алкаман – 10% спиртда	0,05	0,0018	<b>96,4</b>
2	Алкаман – 20% спиртда	0,05	0,0015	<b>97</b>
<b>3</b>	<b>Алкаман – 30% спиртда</b>	<b>0,05</b>	<b>0,001</b>	<b>98</b>
4	Алкаман – 40% спиртда	0,05	0,00098	<b>98,04</b>
5	Алкаман – 50% спиртда	0,05	0,00092	<b>98,16</b>
6	Гликлазид - (10%) 100 мг/мл	0,02753	0,024	<b>2,1</b>
7	Гликлазид - (25%) 250 мг/мл	0,0392	0,033	<b>2,9</b>
8	Гликлазид - (50%) 500 мг/мл	0,06956	0,059	<b>5,3</b>
9	Гликлазид - (75%) 750 мг/мл	0,11867	0,1	<b>8,3</b>
10	Гликлазид - (100%) 1000 мг/мл	0,13899	0,1154	<b>11,0</b>
11	Кверцетин - (10%) 100 мг/мл	0,111345	0,0978	<b>8,2</b>
12	Кверцетин - (25%) 250 мг/мл	0,18786	0,1543	<b>13,8</b>
13	Кверцетин - (50%) 500 мг/мл	0,27677	0,2356	<b>20,8</b>
14	Кверцетин - (75%) 750 мг/мл	0,38432	0,3221	<b>28,0</b>
15	Кверцетин - (100%) 1000 мг/мл	0,67546	0,5367	<b>35,1</b>

Юқоридаги жадвалдан “Асдаво” озиқ-овқат қўшилмасининг сувли экстрактлари орасида 1:50 масса нисбатда олинган сувли экстракти бошқаларга нисбатан юқори кўрсаткичга эга эканлиги кўриниб турибди. Бу эса, беморларга “Асдаво” озиқ-овқат қўшилмасини 1:50 масса нисбатда қайноқ сувга дамлаб истеъмол қилишни тавсия қилишга асос бўлиб хизмат қилади.

